

Маъруза № 1.

Кириш.

**Топографик (клиник) анатомия
фанининг мақсад ва вазифалари.**

**Оператив жарроҳлик фанининг
асосий тамойиллари.**

Операциялар ҳақида тушунча.

Маърузачи: катта ўқитувчи

ГУЛЬМАНОВ ИЛЬИЧ ДЖУМАБАЕВИЧ

Топографик анатомия фанининг мақсад ва вазифалари

- ❏ Топографик анатомия – аъзо ва тўқималарнинг инсон танасидаги соҳалар бўйлаб ўзаро жойлашуви ва муносабати ҳақидаги таълимотдир. У грекча *topos* (жой) ва *grapho* (ёзаман) сўзларидан келиб чиққан.
- ❏ Топографик анатомия оператив жарроҳлик билан бирга бир бутун бўлиб, икки яхлит фаннинг йирик бўлимларидир.
- ❏ Топографик анатомия амалий фан бўлиб, клиниканинг, айниқса жарроҳлик клиникасининг талабларига жавоб беради.
- ❏ Нормал анатомия инсон танаси тузилишини аъзолар системалари бўйича, яъни аналитик йўл билан ўрганади.
- ❏ Топографик анатомия эса бу алоҳида қисмларни бирлаштириб, улардан мазкур соҳанинг яхлит тасвирини тузади.

Н.И.ПИРОГОВ –ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯНИНГ АСОСЧИСИ


- 1837 й. - унинг “Артериал поялар ва фасцияларнинг жарроҳлик анатомияси” асари босилиб чиққан.
- Санкт-Петербургдаги Тиббий-хирургик академияда анатомик институт ташкил этиб (1846), унда амалий, тасвирий ва топографик анатомияни бирлаштирди.
- 1843-1848 йй. Н.И. Пирогов янги фан – топографик анатомияни «Инсон танаси анатомияси тўлиқ курси. Тасвирий–физиологик ва жарроҳлик анатомияси» асарида шакллантирган.
- Н.И. Пирогов фанни тадқиқ этишнинг янги услубларини ишлаб чиқди ва татбиқ этди: музлатилган мурдаларни учта текислик бўйлаб арралаб кесиш (Пирогов кесмалари), “муз ҳайкалтарошлиги”, мурдада тажриба қилиш каби усуллар «Музлатилган инсон танаси бўйлаб уч йўналишда ўтказилган кесмаларнинг иллюстрацияланган топографик анатомияси” асарида баён этилган (1851-1859 йй.).



Н. И. ПИРОГОВ (1810–1881).

ОПЕРАТИВ ЖАРРОҲЛИК ВА ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯ КАФЕДРАСИ ВА УНИНГ МУДИРЛАРИ

- 1920-1923 йй.
профессор
**Валентин
Феликсович
Войно-Ясенецкий.**
- “Йирингли жарроҳлик
очерклари” асари **Давлат
мукофати**га сазовор
бўлган.



**ОПЕРАТИВ ЖАРРОҲЛИК ВА ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯ
КАФЕДРАСИ ВА УНИНГ МУДИРЛАРИ**

■ 1923-1925 йй.

Доцент

**Георгий
Александрович
Ильин.**

Жарроҳ.

Тўғри ичак хирургияси.



ОПЕРАТИВ ЖАРРОҲЛИК ВА ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯ КАФЕДРАСИ ВА УНИНГ МУДИРЛАРИ

- 1925-1929 йй.
профессор
Ф.И.Валькер.

В.Н.Шевкуненко шогирди,
жарроҳ. Болалар
хирургияси.



**ОПЕРАТИВ ЖАРРОҲЛИК ВА ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯ
КАФЕДРАСИ ВА УНИНГ МУДИРЛАРИ**

- 1929-1930 йй.
профессор **Николай
Семенович
Перешивкин**

Жарроҳ.

Абдоминал хирургия.



**ОПЕРАТИВ ЖАРРОҲЛИК ВА ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯ
КАФЕДРАСИ ВА УНИНГ МУДИРЛАРИ**

■ 1931-1941 йй. ва
1945-1966 йй.

Профессор

**Борис Абрамович
Стекольников**

Жарроҳ, В.Ф.Войно-
Ясенецкий шогирди,
абдоминал ва торакал
хирургия.



**ОПЕРАТИВ ЖАРРОҲЛИК ВА ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯ
КАФЕДРАСИ ВА УНИНГ МУДИРЛАРИ**

- 1941-1942 йй ва
1944 -1945 йй.
доцент


**Зинаида
Дмитриевна
Семенихина**



**ОПЕРАТИВ ЖАРРОҲЛИК ВА ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯ
КАФЕДРАСИ ВА УНИНГ МУДИРЛАРИ**

- 1942 -1944 йй.
профессор
**Сафрон
Терентьевич
Новицкий.**

Жарроҳ.



**ОПЕРАТИВ ЖАРРОҲЛИК ВА ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯ
КАФЕДРАСИ ВА УНИНГ МУДИРЛАРИ**

■ 1966-1979 йй.

Профессор

Фозил

Файзирахманович

Амиров.

“Кекирдак ва бронхлар
пластикаси” иши учун

Давлат мукофоти

совриндори.



**ОПЕРАТИВ ЖАРРОҲЛИК ВА ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯ
КАФЕДРАСИ ВА УНИНГ МУДИРЛАРИ**

- 1979-2005 йй.
профессор
**Нажийўлла
Ҳабибуллаевич
Шомирзаев.**

Академик К.А.Зуфаров ва
Ф.Ф.Амиров шогирди, 1986-
1990 йиллари ТошДавТИ
ректори.



■ Профессор

Долимов С.А.

**ТошПТИ ОЖТА
кафедраси биринчи
ташкилотчиси ва
мудири**

1972 й. гача ТошДавТИ
ОЖТА кафедрасида
ишлаган



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ОДАМ АНАТОМИЯСИ, ОПЕРАТИВ ЖАРРОҲЛИК ВА
ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯ
КАФЕДРАСИ ВА УНИНГ МУДИРЛАРИ

2005 й. ТТА ташкил этилди.

Профессорлар

Ф.Н.Баходиров,



Ў.М.Миршарапов.






ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ОДАМ АНАТОМИЯСИ, ОПЕРАТИВ ЖАРРОҲЛИК ВА
ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯ
КАФЕДРАСИ МУДИРЛАРИ

- 2013 йилдан
профессор
Тулаган
Агзамович
Сагатов.





Топографик анатомиянинг асосий тушунчалари

- Аъзо ва тузилмаларнинг инсон танасидаги соҳаларга нисбатан жойлашуви, яъни ўрни (**ГОЛОТОПИЯ**), скелетга нисбатан жойлашиши (**СКЕЛЕТОТОПИЯ**), тевақалдаги аъзо ва туқималарга нисбатан жойлашиши (**СИНТОПИЯ**).
- Бундан ташқари, типга, ёшга оид тузилиш вариантлари ҳамда жарроҳлик анатомияси фарқланади.




Топографик анатомиянинг асосий тушунчалари

- **Типга оид анатомия** (В.Н.Шевкуненко), аъзоларнинг тузилиши ва жойлашуви вариантларини ўрганади.
- В.Н.Шевкуненко мактаби **анатомик вариантларнинг чекка ва оралиқ шакллари**ни ҳамда турли аъзоларнинг жойлашув сатҳларининг ҳар хиллигини ўрганган.
- Аъзо ва тўқималарнинг ўзаро жойлашувини ҳам нормада, ҳам патология ҳолатларида ўрганиш лозим.



Топографик анатомиянинг асосий тушунчалари

■ Ёшга оид анатомия аъзоларнинг ўлчами, шакли ва жойлашувидаги ёшга боғлиқ тафовутларни тасвирлайди, бу педиатрлар ва болалар жарроҳлари учун муҳимдир.



ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯНИ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

Топографик анатомияни консервацияланган ва янги мурдаларда ҳамда соғлом ва бемор одамларда, бир-биридан *шартли чегаралар* орқали ажратилган соҳаларда ўрганилади. Чегаралар *ташқи мўлжаллар* ёрдамида аниқланади.






Ташқи мўлжаллар

- 1) Табиий тери бурмалари;
- 2) Тана юзасидаги дўнглик ва чуқурликлар;
- 3) Суяк дўмбоқлари;
- 4) Мускуллар контурлари;
- 5) Қон томирлар пульсацияси

ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯНИ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

Тирик одамда кўриқдан ўтказиш, пальпация, рентгенография, компьютерли ва магнит-резонанс томография, УТТ ёрдамида муҳим топографо-анатомик маълумотларни олиш мумкин.

ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯНИ ТИРИК ОДАМДА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ



Кривошея ширте (скалани ангиография)





ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯНИ МУРДАДА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

- Қаватма-қават препаратовка




ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯНИ МУРДАДА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

- Препаратлаш пайтида аъзо ва тўқималар силжimasлиги учун уларни музлатиб ўрганилади (Н.И.Пирогов).
 - «Муз» анатомияси усулида музлатилган мурданинг учта перпендикуляр текисликда кесилган қисмларини расмда тасвирланади. Бу компьютерли томография ва УТТ мутахассисларини тайёрлашда муҳим босқичдир.
 - «Анатомик ҳайкалтарошлик»
 - *Анатомик эксперимент* усулида қорин ва кўкрак бўшлиқларига, ошқозонга, қовуққа суюқлик, ичакка ҳаво юбориш орқали амалга оширилади.





ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯНИ МУРДАДА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

- Қон ва лимфа томирлари, фасция қинлари, клетчатка бўшлиқларини ўрганишда *инъекция ва қуйиш усуллари* қўлланади: ҳаво, турли ранглар, эритмалар, суспензиялар, контраст моддалар (рентген текширув учун).



ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯНИ МУРДАДА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ


- Паренхиматоз аъзолардаги томирлар (bronхлар, ўт йўллари) архитектурасини *коррозиялаш усулида* ўрганишда уларга қотувчи рангли моддалар юбориб, кейин қолипни аъзонинг қолдиқларидан ювиб тозаланади.



Ташхиснинг анатомик-физиологик негизини тузишда, кўплаб касалликларнинг ривожланиш динамикасини англашда топографик анатомияни ўрганиш муҳим.



Нима учун I бармоқ панарицийси V бармоққа ўтиб кетиши мумкин? Бунинг

анатомик негизи шундаки, бош ва жимжилоқ бармоқларининг синовиал қинлари биллак-кафт усти бўғими сатҳида бевосита тегиб туради ва улар бўйлаб инфекция тарқалиши мумкин.



КОЛМАТЕРАЛ ҚОН АЙЛАНИШИ

Секин-аста рўй берувчи окклюзияда ички ва ташқи уйқу артериялари шохлари орасида анастомозлар ривожланади. Масалан, **Гассер тугуни** соҳасида (*a.meningea media* орқали), кўз косаси соҳасида (*a.supraorbitalis*, *a.ophthalmica* орқали).




Қорин аортаси, ёнбош
артериялар ва сон
артерияси орасида
коллатерал қон
айланишни таъминловчи
қон томирлар тизими.

1) тизим ичи



2) тизимлараро

коллатерал
анастомозлар






АЪЗО ИЧКИ ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯСИ

Сегментар тузилиш,
қон томир, нерв ва лимфатик найчаларнинг ўзига хослиги,
маълум аъзонинг морфологик тузилишидаги вариантлари,
операция вақтида юзага келадиган вазиятлар,
аъзони резекция қилиш масалалари.



ОПЕРАТИВ ЖАРРОҲЛИК

Оператив жарроҳлик – жарроҳлик операциялари техникаси, оператив аралашувлар услублари ва қоидалари ҳақидаги таълимот.




ОПЕРАТИВ ЖАРРОҲЛИК


Барча жарроҳлик амалиётларида тўртта босқич ажратилади:

- **Оғриқсизлантириш.** Маҳаллий ва умумий.
- **Оператив очиб кириш.** Операциянинг аъзога энг кам шикаст етказган ҳолда рационал етиб бориш ва унда амалиёт ўтказиш учун кенгликни таъминлаб берувчи қисмидир. Барча очиб киришлар 5 гуруҳга ажратилади: *бўйлама, қийшиқ, кўндаланг, бурчакли ва комбинацияланган.*
- **Оператив услуб** - операциянинг зарарланган ўчоқдаги асосий қисми. Битта касалликнинг ўзида операциянинг бир қанча вариантларини қўллаш мумкин. Масалан, ошқозон резекциясини Бильрот I, Бильрот II, Гофмайстер–Финстерер, Хабберер услублари бўйича бажариш мумкин.
- **Операциядан чиқиш** – аъзодаги жарроҳлик амалиётини якунлаш босқичи бўлиб, оператив очиб кириш натижасида бузилган тўқималар яхлитлигини тиклашни ўз ичига олади.

Оператив очиб кириш



Оператив услуб



ЖАРРОҲЛИК ОПЕРАЦИЯСИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

- **Жарроҳлик операцияси** — бу бемор тўқималарига даволаш ёки ташхислаш мақсадида механик таъсир этиш бўлиб, функцияси касаллик ёки шикаст натижасида ўзгарган айрим аъзо ва системаларни тиклашга қаратилган.

Операция элементлари:

- ☞ **Биринчи** элемент — бу **тўқималарни ажратиш**, уни тўқималарни скальпель ёрдамида кесиб ёки пинцет, зонд ёрдамида тўмтоқ равишда ажратиш орқали амалга оширилади.
- ☞ **Иккинчи** элемент — зарарланган томирлардан **қон оқишини тўхтатиш**.
- ☞ **Учинчи** элемент — **тўқималарни бирлаштириш**, операция жараёнида ёки касаллик ёхуд шикаст оқибатида бузилган структураларнинг бутунлигини тиклаш.

Н.К.БУРДЕНКО триадаси

- **Анатомик қулайлик** – шикастланган аъзога энг қисқа ва хавфсиз йўл.
- **Физиологик рухсат** – аъзо функциясини операциядан кейин у ёки бу даражада сақлаб қолиш имкони
- **Техник имконият** – жарроҳлик аралашувининг мураккаб босқичларини механизациялаш.

ОПЕРАЦИЯГА КЎРСАТМАЛАР

- **Абсолют кўрсатмалар.** Бунда беморга даволашнинг операция услубидан бошқа ёрдам бера олиш йўли йўқ бўлганда шифокорни операция қилишга мажбур қилувчи ҳолатлар. Масалан, сиқилган чурралар, магистрал қон томирнинг ёрилиб кетиши, қўл-оёқ гангренаси кабилар.
- **Нисбий кўрсатмалар** консерватив йўл билан даволаб бўлмасида, операция учун қулай пайтти танлашга, операцияга мавжуд монеликларни бартараф қилишга имкон берувчи ҳолатлар.

ОПЕРАЦИЯНИ ЎТКАЗИШ РЕЖАСИ

- Касаллик ташхисини тўғри аниқлаш.
- Оғриқсизлантириш усулини танлаш.
- Касалланган аъзога муқобил очиб кириш йўлини танлаш.
- Касалликка мос келувчи операция амалиётини танлаш.
- Операциядан кейинги парваришни тўғри ташкил қилиш.
- Операция натижаларини танқидий баҳолаш.

Жарроҳлик операциялари турлари

- Шошилинч (ургент);
- Режали;
- Радикал;
- Паллиатив;
- Танлов операцияси;
- Зарурият операцияси;
- Бир лаҳзали;
- Икки лаҳзали;
- Кўп лаҳзали;
- Қўшма (симультан);
- Кенгайтирилган;
- Комбинацияланган.

ЖАРРОҲЛИК АСБОБЛАРИ

Қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- ◎ **Тўқималарни ажратиш учун асбоблар**. Уларга турли скальпеллар, ампутация пичоқлари, қайчилар, арралар, искана ва бошқ. киради.
- ◎ **Қон тўхтатиш учун асбоблар** — турли типдаги қисқичлар (Холстед, Пеан, Бильрот, Кохер ва бошқ.), лигатура ниналари (Дешан, Купер), электрокоагуляторлар ва Ҳ.К.
- ◎ **Ёрдамчи-фиксацияловчи асбоблар** — пинцетлар, илмоқлар, зондлар.
- ◎ **Тўқималарни бирлаштириш учун асбоблар**. Уларга ниналар, нинатутқичлар, турли хилдаги тикувчи ускуналар (НЖКА, УКЛ, УТЛ, томир тикувчи ускуна, видеоэндохирургияда қўлланувчи степлер, клепперлар ва бошқ.).
- ◎ **Махсус асбоблар** айрим операцияларда қўлланувчи асбоблар. Масалан, трахеотомик канюлялар, ампутация пичоқлари, трепанлар, ичак жомлари ва Ҳ.К.

ЖАРРОҲЛИК ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ

- ◎ Трансплантология аъзо ва тўқималарнинг яшаб кетиши ва узоқ муддат фаолият юритиши учун тайёрлаш, консервациялаш ва кўчириб ўтказиш назарияси ва амалиётини ўрганувчи тиббий-биологик фандир.
- ◎ Аъзолар трансплантацияси тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Тери трансплантациясини эрамиздан аввал қўллаганлар. Шох парда ва суяклар трансплантацияси XIX асрнинг иккинчи ярмидан маълум. Яхлит аъзони кўчириб ўтказиш эса XX аср бошларида Каррел томонидан томир чокининг ишлаб чиқилиши туфайли мумкин бўлди.

Келгуси маъруза мавзуси

Қон томирлар топографияси ва оператив жарроҳлиги.

Кўриб чиқиладиган масалалар:

- 1. Магистрал қон томирлар тузилиш ва жойлашишининг топографик-анатомик хусусиятларини кўриб чиқиш.**
- 2. Қон кетишини тўхтатиш усуллари.**
- 3. Коллатерал қон айланиш ҳақида умумий тушунчалар.**
- 4. Қон томирларда амалга ошириладиган оператив аралашувларнинг умумий тамойиллари.**
- 5. Қон томирлардаги операциялар.**